

## ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3-10/й

2022 йил « 7 » « 10 »

Зомин тумани

“Қишлоқ қурилиш инвест” маъсуляти чекланган жамияти инжиниринг компанияси келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан иш юритувчи номидан директор О.Эркаев бир томондан ва «Полимер бинокор» маъсуляти чекланган жамияти кейинги уринларда «Пудратчи» деб аталиб ҳамда Низомга асосан иш юритувчи номидан раҳбар Қ.Низамов иккинчи томондан мазкур пудрат шартномасини куйидагиларга асосан тuzдилар.

### I. Таърифлар

1. Мазкур шартномада куйидаги таърифлар кулланилади:

ишро хужжатлари - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул булган шахслар томонидан уларга киритилган узгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тугрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва урнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда кулланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тугрисидаги далолатномалар, айрим маъсулятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тугрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тугрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;

Қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома буйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қуйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қуйилади.

Вактинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур булган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар.

Беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин булмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

Шартнома нархини булиб чиқиш: ишларнинг ҳар бир босқични ва (ёки) турлари қийматини аниқ белгилаган ҳолда шартнома буйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

### II. Шартнома мавзуси.

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига асосан **Жиззах вилояти Зомин тумани “Қўрғон” МФЙ “Қўрғон” массивида аҳоли учун қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари қурилиши** объекти буйича лойиха хужжатларида қузда тутилган объектни тайёр ҳолда қуриш буйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3. Буюртмачи пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва туловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

### III. Шартнома буйича ишлар қиймати.

4. Мазкур шартнома буйича Пудратчи томонидан бажариладиган, эркин савдоси (e-tender.uzex) натижасида аниқланган ва эркин савдоларни ўтказиш комиссиясининг қарори (2022 йил "04" октябрдаги ЛОТ № 152727-сонли баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати, йигимлар ва ажратмаларни уз ичига олган ҳолда, жорий нархларда жами **Жиззах вилояти Зомин тумани “Қўрғон” МФЙ “Қўрғон” массивида аҳоли учун қурилаётган кўп қаватли уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари қурилиши 607 490 000** (Олти юз етти миллион тўрт юз тўқсон минг) сўмни ташкил этади. (Пудратчи умумий солиқ туловчиси)

5. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта қуриб чиқилиши мумкин эмас. Қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:

- қурилиш муддатини қупайтиришга енгиб булмайдиган қуч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб булганда;
- ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан узгартирилганда;
- объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа узгартирилганда.

6. Курилиш муддати бир йилдан ортик булганда иккинчи йилга ва кейинги йиллар шартномавий нархларни аниқлаштириш конун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

7. Тегишли асослар мавжуд булганда санаб утилган узғаришлар Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги шартномага қушимча битим билан расмийлаштирилади.

#### **IV. Пудратчининг мажбуриятлари.**

8. Мазкур шартнома буйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

- Барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга 1-иловага мувофиқ ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда узининг кучи ва (ёки) жалб килинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
- 1 иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;
- қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
- бош пудратчи субподрядчилар билан шартнома тузишда буюртмачи билан келишган ҳолда шартнома тузиши шарт;
- қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф-муҳитни, утқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш буйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек, ёритиш чирокларини урнатиш;
- ишчиларни маданий дам олишлари учун шароит яратиш ва иссиқ овқат билан таъминлаш;
- қурилиш таваккалчиликларини сугурта қилиш;
- мазкур шартнома буйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тугрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини узига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бушатиш;
- қурилиш майдонини қуриқлашни таъминлаш;
- мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини уз зиммасига олади.

9. Пудратчи ҳар ҳисобот ойнанинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида Буюртмачига ҳисобот топшириши лозим.

10. Пудратчи мазкур шартнома буйича барча ишларни уз кучи билан ва ёрдамчи пудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектни топшириш учун Буюртмачи олдида тулик мулкый жавоб беради.

-Пудратчи лойиха-смета ҳужжатларига буюртмачи ва лойихачи ташкилотнинг руҳсатисиз узгартириш киритмайди. Агарда уз хоҳиши билан узгартирган тақдирда Буюртмачи мажбуриятни уз зиммасига олмайди.

#### **V. Буюртмачининг мажбуриятлари**

11. Мазкур шартномани бажариш учун буюртмачи:

- Лойиха смета ҳужжатларига буюртма беради. Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага (1-иловага) мувофиқ ишларни бажариш учун ярокли булган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунча булган даврда далолатнома буйича Пудратчига бериш;
- ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
- Пудратчининг барча мурожаатларини 10 кун муддатда қуриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
- Молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 1-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
- Мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб икки ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур булган ижро ҳужжатлари руйхатини тақдим этиш;
- Мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тулик ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

12. Агар пудратчи томонидан хар хисобот ойнинг 25 санасигача бажарилган ишлар тугрисида хисоботи топширилмаса, Буюртмачи бажарилган курилиш монтаж ишларини молиялаштирмайди. Ушбу шартноманинг 3-илоvasи бажарилмайди.

## **VI. Ишларни бажариш муддатлари**

13. Шартнома:

миллий валюта «сумда» узаро хисоб-китоб килинганда томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;

14. Пудратчи мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уз айланма маблаглари хисобидан ишларни бажаришга киришади.

15. Эркин танлов (тендер) савдолари натижаси буйича аниқланган курилишнинг фойдаланишга топшириш муддати 2022 йил 30 декабргача этиб белгилансин.

16. Мазкур шартнома буйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофик амалга оширилади.

## **VII. Туловлар ва хисоб-китоблар**

17. Буюртмачи Пудратчига шартнома буйича ишлар умумий жорий кийматининг 30 фоизи микдорида, дастлабки икки ойга тенг улушларга (ойига 15 фозидан) булган холда аванс утказади.

18. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос хисобланади (3-илова).

19. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, хар ойда ажратилган авансни мутаносиб равишда ушлаб қолишни хисобга олган холда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофик объектнинг умумий шартномавий жорий кийматининг 95 фозигача тулов амалга оширилади.

- Мазкур шартномада белгиланган объектнинг 5 фозлик маблаг кафолат муддати тамом булгандан кейин амалга оширилади.

20. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга кадар мазкур шартнома буйича объектга мулк хукукини узида саклаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга кадар объектни тасодифий йук килиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида булади.

21. Буюртмачи мазкур шартнома буйича уз зиммасига кабул килган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 30 кун (молиялаштириш йилида) мобайнида бажармаган такдирда, Пудратчи бу хакда конун хужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган холда, шартномага узгартиришлар киритиш хукукига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун хак тулашдан озод килинмайди.

- Мазкур иш турларига молиялаштирувчи органлар томонидан маблаг молиялаштирилмаган такдирда «Буюртмачи» тулов учун мажбуриятни зиммасига олмайди.

## **VIII. Ишларни бажариш**

22. Буюртмачи курилиш майдонида уз вакилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек, Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш хужжатларига мувофиклигини текширади.

23. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тусиксиз танишиш хукукига эгадир.

24. Пудратчи техник-аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник-аудитор Пудратчи томонидан утказиладиган курилиш майдонида ишларни амалга ошириш чогида пайда булувчи масалаларни хал килиш буйича йигилишларда мунтазам равишда катнашади.

25. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига ва мазкур шартноманинг VI булимида курсатилган муддатлар билан мувофиклаштирилган уз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустакил равишда ташкил этади.

26. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини Давлат архитектура-назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун конун хужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

27. Курилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси хисобланади.

28. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупрок ва курилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупрокни казиб олиш учун жой ажратиш тугрисидаги хужжатларни беради.

29. Буюртмачи курилиш майдонини бериш тугрисидаги далолатнома имзоланган кунда бошлаб 3 (уч) кун муддатда курилиш майдонини белгилаш буйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларни координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

30. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тугри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек, баландлик белгилари, улчамлари ва булиш уқларининг мувофқлиги тугри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган булиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни уз хисобидан амалга оширади.

31. Пудратчи геодезия ишларида урнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин далолатнома буйича Буюртмачига беради.

32. Курилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади. Пудратчи коммуникация объектларини фойдаланувчи тегишли корхоналарга топширади.

33. Пудратчи узи томонидан курилишда қулланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида курсатилган спецификацияларга, давлат стандартларга, техник шартларга мувофққ булишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга булишини қафолатлайди.

34. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр булишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва «Давархитекткурулишназорат» инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

35. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишлар тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш далолатномалари ҳамда уларнинг «Давархитекткурулишназорат» инспекцияси билан келишилган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви далолатномалари билан тасдиқланади.

36. Пудратчи Буюртмачининг ишларини бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейин ишларни бажаришга киришади.

37. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдигисиз бажарилган булса ёки у бу ҳақда хабардор қилмаган булса ёки кечикиб хабардор қилинган булса, у ҳолда унинг талаби буйича Пудратчи Буюртмачининг курсатмасига мувофққ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини уз хисобидан очишга, сунгра эса уни тиклашга мажбурдир.

Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг курилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар хисобланмайди.

38. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи уз қучлари билан ва курилиш қийматини қупайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тулайди.

39. Пудратчи курилиш майдонини ва унга туташ қуча полосасини, шу жумладан йул участкалари ва йулақларни супуриб сидиради ва озода сақлайди, курилиш даврида майдондан курилиш ахлатини буюртмачи томонидан курсатилган жойга чиқариб ташлайди.

40. Ишлар бошланган пайдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг узаро муносабатларида ахамиятга эга булган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом булиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар курсатилиши санаси, ишларни қабул қилиб олиниши, утқазилган синовлар, материаллар уз вақтида етқазиб берилмаслиги билан боғлиқ тухтаб қолишлар, курилиш техникасининг ишдан чиқии тугрисидаги маълумотлар, шунингдек, курилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин булган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қоникмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтаридан уз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда курсатилган қамчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора тадбирларини куриш мажбуриятини уз зиммасига олади.

## **IX. Ишларни куриклаш.**

41. Пудратчи ишлар бошланишидан курилиш тугаллангунгача ва курилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тусилган курилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, курилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада курикланишини таъминлайди.

42. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек, материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сакланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

## **X. Енгиб булмайдиган куч (Форс-мажор) ҳолатлари.**

43. Агар ушбу шартнома буйича мажбуриятлар қисман ёки тулик бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб булмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тулик бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома буйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб булмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

44. Агар енгиб булмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари 1 ойдан қўп вақтга қўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай қоралар курилишини муҳокама қиладилар.

45. Агар томонлар 2 ой ичида қелиша олмагалар у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

## **XI. Курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш.**

46. Курилиши тугулланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек курилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган қоидаларига биноан амалга оширилади.

47. Объектларнинг фойдаланишга тайёрлиги тугрисида Пудратчи Буюртмачига ёзма билдиришнома ва иншоатларни фойдаланишга қабул қилиш ишчи гуруҳ қалолатномасини беради.

Буюртмачи куриилши тугалланган объектни Давлат қабул комиссияси иштирокида қабул қилиб олади.

48. Пудратчи курилиши тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 қўп олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда 2 (икки) нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу ҳужжатлар туплами амалда бажарилган ишларга тулик мос қелишини ёзма равишда тасдиқлаши қерак.

49. Иншоат Давлат қабул комиссияси томонидан расмий фойдаланишга қабул қилинган кейин Буюртмачининг мулкига айланади.

## **XII. Қақолатлар.**

50. Пудратчи:

барча ишлар тулик ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини;

лойиха ҳужжатларига ҳамда курилиш меёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

узи томонидан курилиш учун қўлланиладиган курилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи бўюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида қўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг қақолатли даврида аниқланган қамчиликлар ва нуксонларни уз вақтида бартараф қилишни;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини қақолатлайди.

51. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг қақолатли муддати томонлар курилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тугрисидаги қалолатномани имзолаган қўндан бошлаб қамида 12 ой этиб белгиланади.

52. Агар объектдан фойдаланишнинг қақолатли даврида аниқланиб, улдар бартараф этилгунга қадар фойдаланишни давом эттириш имқонини бермайдиган нуксонлар аниқланса, у ҳолда

кафолат муддати нуксонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуксонлар Пудратчидан томонидан унинг уз хисоби билан бартараф этилади.

Мавжуд нуксонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида кайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуксонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада курсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у холда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII булимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи нуксонлар ва чала ишлар курсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш «Давархитектқурилишназорат» органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хужалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

### **XIII. Шартномани бекор қилиш.**

54. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга қараб Пудратчи томонидан 1 ойдан кўпроқ вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан 1 ойдан ортиқ муддатга кўпроқ холда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жалвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб қўйилган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

55. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга қараб Буюртмачи томонидан 1 ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

56. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига қараб тугалланмаган қурилиш 1 ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

57. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қоида-қонунига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

58. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

59. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

-Пудратчи томонидан ушбу шартнома мажбуриятлари бузилган тақдирда буюртмачи томонидан шартномани қонунда белгиланган тартибда бекор қилиб, объектни бошқа пудратчига бериш бўйича тақлиф беради.

### **XIV. Томонларнинг мулкӣ жавобгарлиги.**

60. Томонлардан бири шартномада мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тугрисида» ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

61. Мазкур шартномага тегишли иловаларда курсатилган уз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, уз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки курсатилмаган хизматлар қийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня туланиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни коплашдан озод килмайди.

62. Шартномага мувофик бажарилган ишлар хажмини тасдиқлашдан асосиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига узи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 5 фоизи микдорида жарима тулайди.

63. Пудратчи объектни уз вақтида ишга тушириш буйича уз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган кисмининг 0,5 фоизи микдорида пеня тулайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилган нуксонлар ва камчиликлар уз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати утказиб юборилган хар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,4 фоизи микдорида пеня тулайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 50 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тулаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар курсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни коплашдан озод килмайди.

64. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш меъёрлари ва коидаларига, иш хужжатларига мувофик булмаса, у холда Буюртмачи «Давархитектурурилишназорат» инспекциясининг хулосаси асосида объектни қабул килиш ва унинг учун хак тулашдан бош тортиши, шунингдек, Пудратчидан сифати зарур даражада булмаган ишлар кийматининг 20 фоизи микдорида жарима ундириш ҳукукига эга.

65. Шартнома буйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томониккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йукотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан копланмаган зарарларни коплайди.

66. Муддат утказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тулаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод килмайди.

#### **XV. Низоларни хал этиш тартиби.**

67. Шартномани бажаришда ва бекор килишда, шунингдек, етказилган зарарларни коплашда пайдо буладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса, улар конун хужжатларида белгиланган тартибда Жиззах вилоят иқтисодий суди томонидан куриб чикилади.

#### **XVI. Алохида шартлар.**

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли булган томонлар уртасидаги барча олдинги ёзма ва огзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг узаро келишувлари уз кучини йукотади. Пудратчи курилиш объектига ёки унинг алохида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳукукига эга булмайди.

69. Узбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2003 йил 12 сентябрдаги 395-сонли қарори низомининг 4-илова 8 булим 43-бандига асосан жихозлар, бутловчи буюмларнинг давлат стандарти талабларига жавоб бериши ва сифати учун тузилган комиссия иштирокида мониторинг урнатилади ва комиссия хулосасига кура бутлашга рухсат берилади.

70. Буюртмачи ва пудратчи, бош пудратчи ва субпудратчилар, лойиха ташкилотлари ва асбоб-ускуналар, курилиш материаллари ва конструкцияларини етказиб берувчилар уртасидаги муносабатлар воситачи ташкилотлар ва бошқа оралик бугинларнинг иштирокисиз факат шартнома асосида курилади.

Бунда хам моддий-техника ресурсларини узаро берган холда, хам улар берилмаган холда субпудрат ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилиши битта объект курилиши доирасида воситасининг иши хамда моддий-техника ресурсларини ташқарига реализация килиш деб хисобланмайди. Бош пудратчининг розилигига асосан тулов амалга оширилади.

71. Субпудратчилар ва етказиб берувчилар (ишлаб чиқарувчилар)ни танлаш бош пудратчи томонидан танлов савдолари натижалари буйича тузилган бош шартнома буйича мажбуриятлар сакланиб қолиниши шарт билан мустақил амалга оширилади.

72. Мазкур шартномага барча узгартириш ва кушимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолаб Ғазначилик оргинидан руйхатдан утгазилгандан кейин, хақиқий хисобланади.

73. Буюртмачи билан Пудратчи уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган хар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қушимчалар ёки узгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

74. Агар Пудратчи шартнома буйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида узига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тулашни кечиктиришга ҳақлидир.

75. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

-Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси Жиззах вилоят Молия бошқармасидан рўйхатдан ўтгандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

## XVII. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари:

### ПУДРАТЧИ:

«ПОЛИМЕР БИНОКОР»

масулияти чекланган жамияти

Сирдарё в. Янгиер шаҳри Янгиер маҳалласи

Бинокор, 8 март кўчаси

Тел: 97 421-10-00

Х/р: 2020 8000 0046 8499 0001

АКБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Янгиер филиали

МФО: 01037 ИНН: 300754311

ОКОНХ:



Қ.Низамов

(ФИШ)

### БУЮРТМАЧИ:

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Жиззах вилояти филиали  
Жиззах ш. А.Навоий кўчаси 2 уй.

ш/хв: 304521860084017045204118582

АТБ «Қишлоқ қурилиш банк»

Жиззах минтақавий филиали

МФО: 00139 ИНН: 301291517

ОКОНХ: 61133



О. Эркаев

(ФИШ)

Ушбу шартнома 2 ( икки ) нусхада тузилди ва бир хил юридик қучга эгадир.

### ХУКУКИЙ ХУЛОСА:

Мазкур шартнома Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида»ги Қонунининг 21-моддаси талаблари асосида тузилган. Экспертиза хулосасига асосан шартнома шартларининг мослиги ва унда тарафларнинг жавобгарлиги ҳамда низоларнинг ҳал этилиши тартиби амалдаги қонунчиликка мослиги маълум бўлди.

Хукукий экспертиза натижасига қура қуйдагилар аниқланди:

1. Шартнома лойиҳаси Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари талабларига мувофиқ тузилган. Тақдим этилаётган пудрат шартномаси шартлари қонунчилик талабларига жавоб беради. Шартнома буйича юзага келган хар қандай ҳолат Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 631-655, 666-685-моддалари ҳамда «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида»ги Қонуннинг 10,11-моддалари билан тартибга солинади.

2. Шартнома буйича тарафларнинг уз мажбуриятларини бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги оқибатида юзага келадиган жавобгарлик Ўзбекистон Республикаси «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳукукий базаси тугрисида»ги Қонуннинг 24-34, 36-моддалари талабларига мос келади.

«Қишлоқ қурилиш инвест» масъулияти чекланган жамияти инжиниринг компанияси Жиззах вилояти филиали  
бош юристконсулти

Хамидов Х.



“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали учун бюджет маблағлари ҳисобидан (ишлар, хизматлар) ларини харид қилиш бўйича танлов ўтказиш комиссиясининг

**Мажлис баённомаси № 1/2**

2022 йил

Жиззах шаҳри.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиалининг бошлиғи О.Ў. Эркаев.  
2022 йил “12” майдаги 18 и/ч -сонли буйруғи билан тасдиқланган комиссияси аъзолари қуйидаги таркибда

**Қатнашдилар: КОМИССИЯ АЪЗОЛАРИ**

- |               |   |
|---------------|---|
| О.Эркаев      | - “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали директори,<br>эркин савдо комиссияси раиси;<br>Эркин савдо комиссияси аъзолари: |
| О.Очилов      | - филиали бош муҳандиси   |
| Х.Темуров     | - бош ҳисобчи   |
| М.Муродуллаев | - лойиха кидирув ишлари ва қурилишни техник назорат қилиш бўлими бошлиғи  |
| Ў.Тургунбоев  | - лойиха кидирув ишлари ва қурилишни техник назорат қилиш мутахассиси   |
| Э.Турсунов    | - Йўл ва канализациямутахассиси   |

**Қурулган тартиби:**

1. “Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиалининг маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ни харид қилиш (бажариш) бўйича маҳсул ахборот порталида 04.10.2022 йилда № 152727 –сонли Зомин тумани “Қўрғон-1” МФЙда қуриладиган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари қурилиши бўйича электрон танлов мажлиси баёни юзасидан келиб тушган эгирозлар бўйича.

“Қишлоқ қурилиш инвест” МЧЖ ИК Жиззах вилояти филиали учун товар (ишлар, хизматлар) ларини харид қилиш (бажариш) бўйича иштирок этган дъвогар ташкилотлар ва уларга умумий баллар

№	Товар (иш, хизмат) нинг номи	Ўлчов бирлиги	Сони (миқдори)	Бошланғич нархи	“Полимер бинокор” МЧЖ		“Санитар инженеринг” МЧЖ		“Мансур строй хаус” МЧЖ	
					Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл	Таклиф этган нархи	Умумий балл
1	Зомин тумани “Қўрғон-1” МФЙда қуриладиган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари қуриш	хизмат	1	674989679	607490000	91.40	661489885	91.15	607490000	96.83
	<b>Жами:</b>			<b>674989679</b>	<b>607490000</b>	<b>91.4</b>	<b>661489885</b>	<b>91.15</b>	<b>607490000</b>	<b>96.83</b>

04.10.2022 йилда № 152727-сонли Зомин тумани “Қўрғон-1” МФЙда қуриладиган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари қурилиши бўйича ўтказилан электрон танлов мажлиси баёни юзасидан 07.10.2022 йил соат 12:00 га қадар талабгорлар томонидан электрон танлов қолиби бўлган “Мансур строй хаус” МЧЖ томонидан тендерга рад этиш бўйича ариза берди ва электрон танлов қолиблигидан чиқиб кетди, ва захира ижрочи пудратчи “Полимер бинокор” МЧЖ қолиб деб топилди ва шундан кейин ҳеч қанақа ёзма ёки оғзаки эгироз ёки мувожадатлар келиб тушмади.

Комиссия Зомин тумани “Қўрғон-1” МФЙда қуриладиган уй-жойларнинг кириш ва ички йўллари қурилиши учун ўтказилан электрон танлов бўйича

